



Баҳоси 3 тийин.

раиси Ш. Ё. Ёқубов иш
плани қандай бажарилаётгани
тўғрисида ахборот бер-
ди.

Комиссия 1985 йилги иш
планини тасдиқлади.

(ЎзТАГ).



МАДАНИЯТИМИЗ РАВНАҚИ



● СУРАТДА: В. И. Ленин йўлланмасига кўра Москва ва Ленинграддан фан поездидан Тошкентга келган бир группа олимлар университет талабалари даврасида.

ИЛМ-ФАН ЎЛКАСИ БУ!

МАМЛАКАТИМИЗ илм-фан тараққиётига қардош республикалар олимлари билан бирга совет Ўзбекистон тадқиқотчилари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленумида қайд этилганидек, республикада йirik фан-техника потенциалли вуқудга келди. Хозирги пайтда бу ерда 36 минг илмий ходим, шу жумладан, 1000 нафар фан доктори ва 13 минг нафар фан кандидатидан иборат олимлар армияси фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили илмий-тадқиқот муассасалари ишлаб чиқаришга мўлҳосиди самаралар 600 миллион юз минг кўпроқ бўлган 400 дан зиёд илмий-техник тадқиқотларни жорий этмоқдалар.

Республикада фаннинг бундай жадал раёнаки улуг доқимиз В. И. Ленин номи билан боғлиқдир. Революцияга қадар илм билан шуғулланувчилар сонин бармоқ билан санарин даражада эди. Жаҳон фан оламини Абу Али ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Алишер Навоий, Улуғбек ва бошқа мутафаккирлар, алломаларин еттиштириб берган Урта Осиёнинг халқлари чоризм даврида зулмат кўнида яшардилар. Улар учун илм-маърифат эшиклари ёпиқ эди.

Фақатгина Улуғ Октябрий социалистик революция ва социалистик тузумини ўлкада илм-фаннинг ҳамма соҳаларини ривож топишига йўл очди. Революциядан кейинги дастлабки йиллардаёқ бу ерда физиотерапия, санитария-бактериология илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилган эди. Россия Федерацияси, шу жумладан, Россия Фанлар академиясининг илмий муассасаларида тадқиқотлар бўйича белгиланган муҳим режалар қаторида Туркистонга тегишли павилар ҳам муҳим катта урин турди. Масалан, ГОЭЛРО планини тузишда ўлкада гидроэлектростанция қуриш ҳам кўзда тутилди. 1918 йилда эса Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш куларини ўрганиш бўйича тузилган комиссия составида ўлка табиий бойликларини ўрганиш бўйича Туркистон бўлими ҳам ташкил этилди.

1918 йилнинг бошларида В. И. Ленин мамлакатини пахта билан таъминлаш зўрлиги туғрисидаги масалани ўртага қўйди. Бу муаммолар ҳал қилиш Илмийнинг Туркистонда суғориш ишларини олиб бориш ва ташкил этиш борасидаги ғамхўрлигида ўз ифодасини топди. Унинг кўрсатмаси билан ирригация ишларини йўлга қўйиш учун катта маблаг ажратилди. Дохий декретлари ва кўрсатмалари ўлкада пахтачиллик соҳасида қўчқурок тадқиқотлар олиб бориш учун асос бўлди.

Айни пайтда В. И. Ленин декрети билан Туркистонда илм-маърифат шамчироғи

ёқилди. 1920 йил 7 сентябрда Тошкентда Туркистон Давлат университети ташкил этилди. Москва, Ленинграддан Тошкентга фан поездидан етиб келган П. Боровский, А. Димо, Д. Кашкаров, Е. Коровин, С. Корженевский, А. Введенский, Ю. Голубкова, И. Райкова, А. Шмидт каби илм олимлар илм-фан раёнакига катта ҳисса қўшдилар. Кейинчалик бу университетнинг қатор факультетлари мустақил олий ўқув юрталарига айланди.

Республикада социалистик фаннинг тараққиёти 1932 йилда илмий-тадқиқот муассасаларига раҳбарлик қилиш учун махсус комитет—Ўзбекистон фан комитетини ташкил қилишни тақозо этди. Илмий-тадқиқот ишларининг жадал ривожланиши натижасида 1940 йилда СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали вуқудга келди. 1943 йил 4 ноябрда эса Улуғ Ватан урушининг қизини пайтлари бўлишига қарамай, СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарори билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилди. Бу Ўзбекистон халқлари тарихида катта воқеа эди.

Республика Фанлар академияси фаолиятининг бошланғичи Б. Греков, Ю. Готье, А. Михайлов, Л. Прасолов, Б. Струве каби илм олимлар, СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзолари С. Вахрушин, Е. Бертельс, А. Якубовский, К. Тревер каби машҳур тадқиқотчилар номи билан боғлиқ. Улар ўзбек олимлари билан ҳамкорликда илмий изланиш ишларини кенг йўлга қўйдилар. Ўзбекистонда қўроқшин, мис, темир, нефть, кокс сингари кўпбал фойдали қазилмаларини аниқладилар. Республикада алмашлаб экинни жорий этиш пахта ҳосилдорлигини ошириш, ғалла базасини мустақамлаш бўйича самарали тадқиқотлар йўлга қўйилди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кенгайди ва мустақамланди. Янги-янги илмий тадқиқот институтлари вуқудга кела бошлади. 1958 йилда эса Совет шарқига ягона атом реактори ишга тушди. Хозирги пайтда академия системасида 36 та илмий тадқиқот институти, 7 та конструкторлик бюроси, 2 та тақриба заводи, кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мавжуд. Академия муассасаларида 16 минг киши шу жумладан, 2 минг фан доктори ва фан кандидатиди, 42 академик, 57 нафар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси ишламоқда. Қорақалпоғистонда эса академия филиали фаолият кўрсатаёттир.

Республика Фанлар академиясининг олимлари орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Ленин ва Давлат мукофотларини лауреатлари, Беруний ва Ҳамза номидаги республика мукофотларини лауреатлари бор. Совет фани экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, юксак малакали илмий-кадрлар тайёрлашдаги

хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси 1975 йилда Халқлар Дўстлиги ордени билан тақдирланди.

Бу мукофот республика олимларини янада руҳлантирди. Улар санат ва кишлоқ ҳаёлиги ходимлари билан биргаликда катта назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган муаммоларини ҳал этидилар. Пахтачиллик самарадорлигини ошириш, вилъта чидамли сортларини яратиш, пахтани қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чикиниди лардан амалда фойдаланиш, кишлоқ ҳўна-лиги учун приборлар яратиш, атраф-му-хитин муҳофаза этиш, нисон саломатлигини мустақамлаш билан боғлиқ қатор та-дқиқотларнинг ҳал этилиши халқ ҳўналигида жуذا катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон олимларининг математик-ста-тистика, эҳтимоллик назарияси, ядро физи-каси, физик-электроника, каттик жисмлар физикаси, механика, сейсмология, астроно-мия, полимерлар ва диэлектриклар физи-каси, геотехника, халқ ҳўналигини бошқа-ришининг автоматлаштирилган системасини яратиш ва жорий этиш борасидаги тадқи-қотлари мамлакат миқёсида танилди. Химик олимларнинг ишлари эса дунёга машҳур бўлди. Ўзбекистон жамиятшунос олимла-рини ҳам ўзбек халқининг бой тарихи ва ма-данияти борасидаги муҳим проблемалар устида иш олиб бориб ютуқларга эри-шдилар. СССР Фанлар академияси Прези-диумининг қарори билан Ўзбекистон фило-софия, экономика, тарих, археология, шарқшуносликка оид қатор муаммоларини тадқиқ этишда етакчи ва йўналтирувчи марказ сифатида тан олинганлиги ҳам қу-вончлидир. Академиянинг илмий муас-сасалари Иттифоқимиздаги кўпбал илмий муассасалар билан актив ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Хозирги пайтда Ўзбекистон олимлари мамлакатимиздаги кўпбал йирик программаларда ўз тадқиқотларини билан иштирок қилишмоқда. Олимларимизнинг Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Монго-лия, Польша, Ҳиндистон, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатлар олимлари билан ало-қалари ҳам катта самаралар бераёттир.

КПСС XXVI съезди борча совет олимла-рини зиммасига улкан вазифалар қўйди. Хозирги босқичда коммунистик жамиятин муваффақиятли қуриш учун фантехника ри-вожини янада жадаллаштириш зўрурлиги катид қилинди. Партиянинг Марказий Ко-митетининг съезидан кейинги қатор Плену-мларида ҳам фан ютуқларини ҳавт жамия-тиниз олдиға қўяётган реал, амалий маса-лаларга қаратиш лозимлиги таъкидланди. Бу вазифалар Ўзбекистон илм-фани ташки-лотчилари, олимлари ва илмий ходимлар-дан алоҳида масъулият, зўр ғайрат ва юк-сак ижодкорлик кўрсатиб ишлашни тақозо этади.

Э. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академия-сининг вице-президенти.

БИР вақтлари бу посёлка-ларнинг номлари фақат архи-текторларнинг лойҳасидаги-на қайд этилган эди. Эндилки-да эса улар бирин-кетин қад кўтаришди. Мана, улар: «Гул-бахор», «Зафар», «Гулбоғ», «Бўстона», «Навбахор», «Соҳиб-кор», «Коммуна», «Чотқоли», «Мингчинор»... Хўсинини кўз-кўз қилаётган бу шаҳарсимон қишлоқлар сонин областимизда йилдан-йилга кўпайиб бораёт-тир. Унинг беш йиллик-да ва ўн биринчи беш йиллик-нинг ўтган йиллари мобайнида областда 1 миллион 326 минг квадрат метр турар-жой, 57 минг ўрили мактаб, 16,5 минг ўрили болалар боғчаси, 2925 ўрили касалхона, кўпбал по-ликлиникалар қўрилди.

Коммунистик районининг «Политотдел», «Ленинский путь», Янгийўл районининг «Ленинизм» колхозлари, Чиноз районининг «Партия XXIV съезди» совхоз, Калнини, Ор-жоникидзе районларининг марказларида бўлган чет эл-лик меҳмонлар: «Қишлоқларни-


ТУРМУШИМИЗ ЧИРОЙЛИК:

В. А. ЕМЦОВ,

область маданият бошқармасининг бошлиғи
МАДАНИЙ ютуқларимиз ҳақида қувониб гапирман. Областимиз кишилари ҳаёти-да рўй берган бугунги ўза-ришларнинг ҳаммаси Ок-тябрь, В. И. Ленин асос сол-ган шонли партиямиз ғам-хўрлиги туфайлидир. Револ-юциягача бутун Туркистон ўлкаси учун Тошкент шаҳри-да жойлашган биргина ку-тубхонанинг бўлганлигини кўпчилики билди. Социали-стик тузумимиз маданий та-раққиётнинг ажойиб истиқ-болларини яратиб берди. Об-ластимиз ҳам маданий юкс-алишининг улкан шонли йўли-ни босиб ўтди. Олтимиш йил-ичида рўй берган ўзгариш-лардан бугун ҳақли равишда фахрланамиз. Хозир Тошкент области меҳнаткашларига 513 та клуб муассасаси, 841 та оммавий кутубхона, 71 та маданий спорт комплекслар хизмат қилмоқда.

Маданият саройлари, клублар ҳузуридаги 1698 бадний коллективларда 36 минг ҳаваскор қатнашмоқда. Областимиз кутубхоналари-даги китоб фонди 12 мил-

БЕКЌС ЎЗГАРИШЛАР



КУТУБХОНАЛАРНИНГ КИТОБ ФОНДИ

лион нусхадан ошиб кетди. Маданий ва маънавий, спорт комплексларини ташкил этишга жадал киришилди. Маданий-маънавий ва спорт комплекслари фаолиятини марказлашган усулда пухта бошқариш учун янги штат-лар ажратилди. Колхоз ранс-лари ва совхоз директорла-рининг маданий-маънавий иш-лари бўйича ўринбосарлари ҳозир хизматини янги усулда йўлга қўйишда каттагина тақрибга тўлаганлар. Умуман, областимиз мада-ниятининг йил сайини ривож-ланаётганлигини ҳар бир жабада кўриш мумкин. Бу эса маданий тараққиётга партия ва ҳўкуматимиз на-қадар катта эътибор бераёт-ганлигининг ёрқин намунаси-дир.

ЛАМПА ШИШАДАН ҚАНДИЛЛАРГАЧА


Умумий савдо кўламини ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулининг кенг жорий қили-ниши туфайли йиллик обо-рот ҳам ортиб бормоқда. Бу йил область матлуботчилари аҳолиға 782 миллион сўмлик товар реализация қилиш мажбуриятини ўз зиммалари-га олганлар.



АҲОЛИ ЖОН БОШИГА САВДО ХИЗМАТИ

ХИЗМАТ ТУРНИ 400 ГА ЕТДИ

А САИДОВ,
область аҳолиға маънавий хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи
ҲОЗИР областимизда аҳо-лиға маънавий хизмат кўрса-тишининг 400 тури мавжуд. Республикаимиз ташкил этил-ган йилларда областда бу кўрсаткич 10—12 турдан ошмаган. Катта тафовут. Шўбҳасиз, одамлар турмуши



АҲОЛИ ЖОН БОШИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ

йхшиланиши билан маънавий хизматга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Бу соҳа ик-на тартибидан марказлаш-ган усулда хизмат кўрсатиш-га ўтиш, моддий-техника ба-засининг мустақамланиши малакали кадрлар етишиб чиққанлиги билан ҳам етакчи ўринга чиқиб олди.

1925 ЙИЛ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

● Областда 205 ўрили 8 та стационар, 16 фельдшерлик пункти, безгадка қарим 4 та станция мавжуд эди. Уларда ҳаммаси бўлиб 33 врач, 69 ҳамшира хизмат қилган. Тиш ка-саликларини даволайдиган шифокор атиғи 5 нафар эди, холос.

ХАЛҚ МАОРИФИ

● ...Областда истиқомат қилувчи 539 минг 137 кишидан 422 минг 114 нафари, яъни 78 проценти саводсиз ҳисобла-нарди. Шулардан ўзбеклар 230 минг 605 кишини ташкил этарди.

● ...Областда саводсизлиқни тугатиш бўйича 245 та мак-таб очилди. Тошкент уездидидаги мактабларга 3617 ўзбек, 256 қозоқ, 1219 рус ўқишга жалб этилди.

● ...Хотин-қизлардан 80 нафари муаллимлик бўйича тай-ёроқ курсини битирди.

(Область Давлат архиви ҳужжатларидан).

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ

● Уша пайтда Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган В. И. Ле-нин номидаги университет ўзининг беш йилли-гини нишонлади. Уша йили унинг факультетларида 3 минг-дан зиёд талаба шуғулланарди.

1984 ЙИЛ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

● Хозир 21 минг 380 ўрили 139 та шифохона, 267 та амбулатория-поликлиника, 18 та тиш даволаш поликлиники-си, 83 та аёллар консултацияси, 66 та фельдшер-акушерлик пункти, 22 та «тез ёрдам» бўлими ишлаб турибди. Уларда 4435 врач, 17 минг ўрта махсус билимли медицина ходими хизмат қилмоқда.

ХАЛҚ МАОРИФИ


● 798 та мактабда 417 минг нафар ўқувчи билим ол-моқда. Уларга 27 мингга яқин ўқитувчи таълим-тарбия бе-раёттир. Шаҳар ва районларда 41 та музыка мактаби ишлаб турибди. Хозир областимизда хизмат қилаётган педагоглар-дан 160 нафари партия ва ҳўкуматимизнинг ордени ҳамда медаллари билан тақдирланган. 51 ўқитувчи «СССР халқ маорифи аълочили», 1250 муаллим «Ўзбекистон ССРда хиз-мат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлган.

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ

● Тошкент шаҳрида 19 та олий, 36 та ўрта мах-сус ўқув юрти бўлиб, уларда 170 мингга яқин студент ўқи-моқда. Область Давлат педагогика институти, шаҳар ва районларда жойлашган 22 техникум ҳамда Тошкент поли-техника институтининг Чирчиқ, Ангрен, Олмалик филиал-ларида 30 мингга яқин талаба билим олаёттир.



● ОБЛАСТИМИЗ шаҳар ва районларининг маданият ва халқ маорифи муассасалари гоёяни-тарбиявий, маданий ишлар даражасини юксак поғонига кўтариш борасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Сураатлар-да: (чапдан ўнға) Бенобод шаҳридаги металлургия саройи; Чиноз районидидаги «Қизил Октябрь» колхозининг ўқувчи-ёшлар бригадиси дала шийони; шу райондаги «Партия XXIV съезди» совхозида қад кўтарган янги А. Малцев, А. Абалаяна В. Портнов фотолари.



ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Хўжаликлар	бажарилиши		районлар
	жами	шу жумладан машина терими	

КОЛХОЗЛАР:

1. «Победа»	126,60	107,51	Ғалаба
2. Тимирязев номи	124,85	130,74	Бўка
3. Охунбоев номи	121,51	142,46	Ўрта Чирчиқ
4. Ленин номи	120,15	102,19	Бекобод
5. «Коммунизм»	119,33	85,81	Янгийўл
6. «Ленин йўли»	118,27	75,32	Ўрта Чирчиқ
7. «Октябрь 40 йиллиги»	117,27	124,53	Бўка
8. Навоий номи	116,17	59,39	Бекобод
9. Киров номи	115,97	97,22	Ғалаба
10. «Коммунизм»	115,18	122,83	Бўка
11. Турсунқул номи	115,18	59,35	Янгийўл
12. Свердлов номи	114,88	77,07	Пискент
13. «Ленин»	113,92	123,36	Оққўрғон
14. Энгельс номи	112,94	99,69	Ғалаба
15. Икромов номи	112,45	108,86	Ўрта Чирчиқ
16. Дзержинский номи	112,14	112,33	Бекобод
17. «Партия XIX съезди»	111,83	97,66	Бўка
18. «Гулистон»	111,82	67,82	Пискент
19. «Партия XX съезди»	110,94	96,25	Бўка
20. Ҳамза номи	110,89	106,90	Бўка
21. «Политотдел»	110,06	119,87	Коммунистик
22. «Заря коммунизма»	109,90	102,33	Ғалаба
23. Ленин номи	109,63	58,83	Янгийўл
24. Фрунзе номи	109,24	112,62	Бўка
25. «Победа»	108,06	63,74	Бекобод
26. Охунбоев номи	107,11	81,65	Чиноз
27. «Ленин»	106,45	92,34	Бўка
28. Энгельс номи	105,92	51,43	Чиноз
29. «Қизил Октябрь»	105,90	84,18	Чиноз
30. К. Маркс номи	105,11	78,30	Чиноз
31. «Коммунизм»	105,00	47,39	Оққўрғон
32. «Интернационал»	104,44	88,73	Янгийўл
33. Свердлов номи	103,72	81,33	Ғалаба
34. «Ленин»	103,42	87,49	Бўка
35. «Узбекистон ССР 50 йиллиги»	103,07	76,47	Чиноз
36. «Октябрь 40 йиллиги»	102,59	67,90	Чиноз
37. Бонифцев номи	102,33	67,97	Оққўрғон
38. «Коммунизм»	102,31	67,97	Бекобод
39. Ленин номи	102,19	64,93	Ғалаба
40. Калинин номи	102,17	68,93	Пискент
41. К. Маркс номи	102,02	92,63	Бўка
42. К. Маркс номи	102,00	114,73	Ўрта Чирчиқ
43. Охунбоев номи	101,89	81,70	Пискент
44. Охунбоев номи	101,88	102,25	Оққўрғон
45. Ниязов номи	101,84	64,15	Янгийўл
46. Навоий номи	101,81	75,25	Чиноз
47. «Правда»	101,79	105,95	Коммунистик
48. Жамбул номи	101,41	78,33	Бўка
49. «Узбекистон»	101,37	101,24	Коммунистик
50. «Ленин йўли»	101,10	82,06	Бўка
51. «Ленин»	101,10	61,38	Янгийўл
52. Куйбишев номи	101,02	118,53	Ўрта Чирчиқ
53. Илчи номи	100,98	78,43	Бўка
54. Ҳамза номи	100,92	70,16	Ғалаба
55. «Узбекистон ССР 50 йиллиги»	100,84	73,06	Пискент
56. Ленин номи	100,81	108,05	Ўрта Чирчиқ
57. «Партия XXII съезди»	100,60	88,99	Ўрта Чирчиқ
58. Калинин номи	100,52	58,03	Янгийўл
59. Навоий номи	100,44	146,67	Оққўрғон
60. Терешкова номи	100,37	100,06	Ўрта Чирчиқ
61. «Ленин»	100,25	113,26	Коммунистик
62. «СССР 60 йиллиги»	98,50	78,60	Янгийўл
63. «Ленинград»	97,80	81,07	Ғалаба
64. Димитров номи	96,56	66,28	Ғалаба
65. Свердлов номи	96,15	95,69	Коммунистик
66. Мичурин номи	96,15	70,53	Бўка
67. «Партия XXI съезди»	94,32	45,10	Янгийўл
68. «Ленин»	94,32	49,37	Оққўрғон
69. Куйбишев номи	93,85	65,19	Ўрта Чирчиқ
70. «Коммунизм»	93,85	87,95	Ўрта Чирчиқ
71. «Северный маяк»	93,85	65,19	Ўрта Чирчиқ
72. Свердлов номи	91,91	94,77	Ўрта Чирчиқ
73. «Партия XXII съезди»	91,73	42,54	Оққўрғон
74. Ким Пен Ха номи	91,44	92,98	Ўрта Чирчиқ
75. К. Маркс номи	90,97	66,08	Коммунистик
76. Ленин номи	90,00	45,05	Пискент
77. «Октябрь»	89,52	48,67	Янгийўл
78. О. Олимжон номи	89,45	93,77	Оққўрғон
79. «Халқ»	87,37	40,50	Оққўрғон
80. Тельман номи	86,22	50,58	Пискент
81. Энгельс номи	85,35	85,73	Ўрта Чирчиқ
82. «Москва»	83,62	73,55	Ғалаба
83. «Москва»	83,52	56,37	Чиноз
84. Киров номи	83,51	56,25	Чиноз

СОВХОЗЛАР:

1. Колпакова номи	117,43	14,77	Бекобод
2. Сегизбоев номи	110,98	120,15	Оққўрғон
3. САМИС	110,56	138,75	Янгийўл
4. «Партия XXIV съезди»	109,24	44,36	Чиноз
5. «Ленинград»	108,14	37,44	Бекобод
6. «Коммунизм»	105,48	82,25	Ғалаба
7. Ойбек номи	104,60	68,24	Бекобод
8. «Узбекистон ССР 50 йиллиги»	103,32	103,20	Ғалаба
9. «Оққўрғон»	102,73	90,99	Оққўрғон
10. «Партия XXV съезди»	102,59	70,14	Бекобод
11. «Давлат»	102,23	51,65	Бекобод
12. Бўка техникумининг	100,00	58,57	Бўка
13. Мавлонов номи	99,86	60,94	Бекобод
14. «Анагара»	99,41	47,93	Бекобод
15. «Пискент»	96,95	76,19	Пискент
16. «Партия XXVI съезди»	95,57	86,30	Пискент
17. Киров номи	91,72	35,81	Ғалаба
18. ТИНИМСХ	91,10	38,59	Ўрта Чирчиқ
19. «Бўка»	90,46	45,30	Бўка
20. Кремль	84,64	—	Бўка
21. «Қуорол»	84,03	49,19	Бўка

АГИТПОЕЗ КОЛХОЗЛАРДА

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ Марказий Комитетининг агитпоезди Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» ва «Партия XXII съезди» колхозини далаларида бўлди.

«Партия XXII съезди» колхозининг 3-бригадасида пахта тараётган «Корчагинчи» зарбдор комсомол-ешлар бригадаси аъзолари ветеран комсомол Марям Исломова билан учрашди.

У ешлар билан қизиқарли мавзуда суҳбат ўтказди. «Хосил-84» мавсумида зарбдорчаги меҳнат қилаётган комсомол-ешлар, райондаги

7-мактаб пионервожатийси Мукаррам Қорақуллова, 42-мактаб пионервожатийси Марҳамат Сартбобоева, район марказий касалхонаси ходими Раҳимов Шохиди Раимқуллова, Ўғилли Турғунбоевларни эришган зафарлар билан қутлади.

«Баёт» ансамбли қатнашчилари Баюрат Мирзобоева, Раъно Анназарова, Нодира Ахмедовалар эса «Ленин йўли» колхозининг 6-бригадасида меҳнат қилаётган комсомол-ешлар ва колхозчиларга концерт кўйиб берди.

У. ҲАМИДОВ.

ИЛГОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1984 йил ноябрь ойи иккинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўмаги билан байроқлари кўйидагида қолдирилди:

Сурхондарё областининг кўрмқ Шеробод райони.

Наманган область Косонсой районидagi Куйбишев номи колхоз.

Андижон области.

Андижон областининг Марҳамат райони.

Фарғона областининг Фарғона райони.

Сурхондарё областининг Термиз райони.

Фарғона область Киров районидagi «Партия XX съезди» совхоз.

Фарғона область Ленинград районидagi Ф. Шамсуддинов номи колхоз совхоз.

Сурхондарё область Ленин йўли районидagi Қ. Раҳимов номи совхоз.

Сурхондарё область Термиз районидagi Ленин номи колхоз.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Андижон областининг меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўрқот К. У. Черненко нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, пахта тайёрлаш пиланини 20 ноябрь кун бажардилар. Тайёрлов пунктларига 590 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб берилди, бу пахтанинг 75 процентидан ортиғи энг юқори наводир. Ҳар гектар ердан 32,5

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИНДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

МУҲИМ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК. ТАСС мухбири В. Черинс хабар қилади: БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи комитети «сиёсий масалалар ва хавфсизлик, шу жумладан кулросизлаш масалалари комитети» ўз иштини масъулиятли босқинчи бошлди — инсониятни энг кўп ҳаёжонга солаётган проблемаларга, аввало ядро уруши хавфини туғатишга ва кулросизлаш пайғасини жинлолашга доир қарорлар қабул қилишга қаратилган. Халқаро ҳамжамият Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатларнинг, кўпгина қўшилмаган давлатларнинг конкрет ташаббуслари билан кенг миёёда қўллаб-қувватлаётганлигини овоз берилишига дастлабни якунлариди кўрсатиб турибди. Бу давлатлар уруш чiqиши аҳ-

тимолга йўл қўймаслик ва кулросизлашнинг реал тадбирлари орқали ялпи хавфсизлигини таъминлаш йўлида аниқ-равшан қадамлар қўйилишини талаб қилмоқдалар.

Ядро кулросларини қўлай-тирмаслик тўғрисидаги, кулросизлаш пайғасини тўхта-тиш ва ядровий кулросизла-ниш ҳақидаги, оммавий қир-ғат кулросининг янги турла-ри ва янги системаларини яратилиши ҳамда ишлаб чи-қариши тақийлаш тўғриси-даги тақийлаш каби муҳим ташаббуслар маъқулланди. Нейтрон кулросли тақийла-ниш тўғрисидаги, кулросизла-ниш мақсадига халқаро ҳам-корлик қилиш қарориди резо-люция лойиҳалари ҳусусида ижобий фикр билдирилиб, бу лойиҳалар маъқулланди. Ин-

сониятнинг ядро уруши хав-фи кучайиб боришидан қу-қур хавотирлигини акс этти-радиган ва термоядро ёни-рининг олдин олишга қара-тилган бу ташаббусларни Со-вет Иттифоқи ва бошқа тинч-ликсевар давлатлар халқаро ҳамжамиятнинг кун тартибига қўйган эдилар. Улар қўп-чилик овоз билан қўллаб-қувватланди. Фанат АҚШ ва унинг яқин иттифоқчилари бўлган кучиқ бир гуруҳла қарши овоз берди. Бу эса кулросизлашнинг мақсадини қўзғовчи музоараларга гўё «тайерлик» ниқоби остида Вашингтон халқаро жамият-нинг реал кулросизлашнинг эришиш соҳасида сарфлаёт-ган ҳамма куч-ғайратларини пучга қиқаришга уришиб қи-лаётган риёкорлигини жуда очиқ равшан кўрсатиб қўйди.

КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШГА БЎЛГАН АЗМУ ҚАРОР

ДАМАШҚ. (ТАСС). Сурия халқи Исроил босиб олган араб территориялари овоз қилиниши учун, араб халқларининг суюнистар поймол этган қўқуқлари тик-лаиши учун курашни давом эттиришга азму қарор бер-дилар. — деди Сурия прези-денти Х. Асад бу ерта келган Венгрия Давлат Кенгаши-нинг раиси А. Апро билан бўлиб ўтган учрашув вақти-да. Сурия истибболга ишонч билан назар ташламоқда, деб ўқтирди президент. Бу ишонч мамлакат халқининг ўз ку-члари ва душманининг ҳа-тарли қирқилорларига қар-шилик кўрсатишга шай бў-либ туришига асосланади. Сурияликлар мамлакат рах-

ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД. (ТАСС). Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларининг самовётлари ўтган кунлар мобайнида 148 марта жан-говар учиб қилиб, фронт-нинг марказий ва жанубий участкаларида Эрон қўшин-ларининг позицияларига ҳу-жум қилди, дейилди Ироқ ҳарбий бoш қўмондонли-гининг ахборотида. Марказий участкада ва Басранда шарқ-даги раёбда Ироқ артилле-риясининг ўти билан Эрон томонига аскар ва техника-дан талафот етказилди.

НИКОСИЯ. (ТАСС). ИРНА агентлигининг (Эрон) хабар беришича, ўтган кун-лар мобайнида фронтнинг участкаларида ва Хузинстон вилоятида тўп отишмалари рўй берди. Ироқ ҳарбий хиз-матчилари талафот қўрди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

УЛАН-БАТОР. Марказий геология экспедицияси-нинг ходимлари Шарий Монголиядagi Хэнтай айма-ғи территориясида янги ми-нерал сув манбаини топди-лар. Бу сув ўзининг химия-вий таркиби билан Совет Иттифоқидagi бутун жаҳонга машҳур Барнаули курорт-сувига ўхшайди.


МХРЛА Монголия ва Со-вет гидрогеологлари 200 дан кўп иссиқ ва совуқ сув ман-баларини топдилар. Улар-нинг кўпидан давлолаш иш-ларида ҳам, халқ хўжалиги-да ҳам фойдаланилмоқда. Мас-алан, Ара-Хангай аймағидagi «Социализм зам» («Соци-ализм йўли») қишлоқ хўжа-лик бирлашмасида ер ости ис-сиқ сув манбаи асосида қарийб минг квадрат метр майдонга теплица қурилди. Шу туфайли бу ерда йил бўйи помидор, бодринг, ши-рин гаримдори етиштири-лади.

ЛЮКСЕМБУРГ. Люк-сембург ҳукумати мамлакат-да медицина хизмати учун туланидиган ҳақни ошири-шнинг эълон қилди. Социал таъминот ва соғлиқни сақ-лаш министри Бернард Бер-гиннинг бу ерда хабар қили-шича, 1985 йилнинг 1 январ-дан бошлаб беморлар врач қабулида бўлиш учун ҳозир-га нисбатан 8,9 процент кўп ҳақ тўлайдиган бўлади.

Дори-дармонларнинг нархи ҳам ўз-ўзидан қим-матлашади.

ҚОҲИРА. Миср Араб Республикасида болалар ку-ни тантанали ишюланмоқ-да. МАР эш мамлакат: рес-публика аҳолисининг 27 пер-центи 17 ёшга ҳам тўлмаган йилгит ва қизлардан. Бу кун Миср ешлари учун чинакам байрамга айланишини кўз-лаб, катта ёшдаги кишилар кўп иш қилишди. Театрлар, бадий коллективлар ва бо-лаларнинг маданий марказ-лари байрам томошалари ва махсус программалар тайёр-ладилар. Бу томошалар 10 кун мобайнида Миср пойтах-тининг театр сахналарида, мамлакат вилоятларида қўр-сатилади. Шу кунларда ёш томошабинлар китоблар ва эртакларнинг машҳур қаҳра-монлари билан учрашдилар, сеvimли мультфильм ва бадий фильмларни томоша қилдилар. Мисрнинг шаҳар ва қишлоқларида болалар китоблари ҳамда ўйинчоқ-лари кўргазмалари, шунинг-дек болалар бадий мактаб-лари ва тўғаракларида яра-тилган асарларнинг кўргаз-малари ташкил этилди. Конкурс голиблари энг яхши ишлари учун фахрий муко-фотлар билан тақдирланди-лар.

(ТАСС).



ИТАЛИЯ. Коммунист-тик партиясининг марказий органи «Унига» газетаси-нинг яқинда бўлиб ўтган аъъанавий байрами ИКП-нинг обрў-эътибори ортиб бораётганлигини ёрқин да-лолатида айланди. Унда 3 миллион нафарга яқин киши иштирок этди. Бу Италия

прогрессива кучларининг уш-бу йилдаги энг йирик анжум-ани бўлди. Суратда: Ита-лия коммунистлари газетаси-нинг аъъанавий фестивали пайтида аъъолик бадаллари қабул қилинмоқда.

В. Созинов фотоси.

(ТАСС).

ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

ТЕЖАБ ФОЙДАЛАНАМИЗ

КОЛХОЗИМИЗДА зарбдор тармоқ — чорвачилик-нинг жадал суръатларда ривожланиб бораётганлиги билан қўпчилик қизиқиб туради. Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Муваффақиятларимиз-нинг бoш манбаи қишлоғга пухта тайергарлик қўриб, мўл ва сифатли ем-хашак жамғараётганлиғимиздир. Бу масъулиятли вазифа мен бошчилиги қилаётган бригада зиммасига юкланган. Шунинг қувонч билан айтишим мумкинки, биз бу ишни урдалаямиз.

1984 йилда ҳам озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига ем хашакни қўпайтириш учун кураш-дик. Бунинг самараси қувончли бўлди. Қишлоғга ҳозиргача пилдиги 2100 тон-на ўрнига 2528 тонна дағд хашак тайёрланди. 92 тонна ўт уни ишлаб чиқарилиди. Силос бoстириш бўйича бел-гиланган топширини урдала-дик. Юқоридagi айтганимдек, совхозимизда ҳали озуқа тайёрлаш давом этапти. Биз 200 тонна похол жамғариш-ни режалашганимиз. Ҳозиргача тайёрланган бу озуқа 160 тоннадан ошди.

Коллективимизнинг Вазор-бой Нишонов, Турсунбой Туёқов, Мамат Пулатов син-ғари меҳнаткорлари жамға-рилган ем-хашакларни ўз вақтида махсус майдонларга ташиб келтиришмоқда.

Чорвадорларимизнинг ўн ойда эришган меҳнат нати-жалари ҳам шунга яраша бўлди. Масалан, давлатга ту-лавр ичига пилдиги 51 тон-на ўрнига 61,5 тоннадан ор-тиқ гўшт сотилди, 184 минг дона туҳум етказиб берилди. Ҳар бир товуқдан олинган туҳум 172 донадан ошди. Айниқса, соғин сигирлар махсусдорлигининг кўта-рилганлиги бизни қувонтир-моқда. Ҳозиргача уларнинг ҳар биридан 3114 кило-граммдан сўт сўғиб олинди. Бу ўтган йиллардагидан ан-ча ортиқдир. Озуқакорлари-миз хўжалигимизда чорва қишлоғини муваффақиятли ўтказиб, қорамоллар махсус-дорлигини янада ошириш учун муносиб ҳисса қўша-дилар.

И. АЗИЗБОВЕВ,
Бўка районидagi Илчи номи колхоз озуқа-лик бригадаси бошлиғи.

КУНИГА 13 ЛИТРДАН

ТОШКЕНТ райони. Ем-хашак мўлқўл жамғари-сею, бироқ ундан оқило-на фойдаланилмаса кутилган натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозини чор-вадорлари озуқа цехларининг бекаминист ишлашига алоҳида аҳамият беришди. Улар бу йил ҳам цехини масъули пух-та созладилар. Ҳозир бу ерда кунига 15—20 тонна хушқўр ва тўқимли озуқа тайёрланиб, колхозга тарқатилмоқда. Улар-нинг раъёнонда сомон, беда, лавлага, ем синғари озуқалар бор. Дағд ушаклар албатта майдонлаб, бўғулниб, юмша-тилиб сўнг молларга берила-ди. Сўт сўғувчиларнинг ўзлари ем-хашак цехида ишнинг та-кил қилинишини назорат қи-либ борадилар.

500 бошдан ортиқ соғин си-ғирнинг ҳар биридан кунига ўртача 13 литрдан сўт сўғиб олинмоқда. Қабул пунктларига 5600—5700 литр сўт жўнатил-моқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳ-рамони, дондор сўт сўғувчи Мунаввар Исоқова, Волида Мусаева, Қўтб Файзиёва син-ғари устоз сўт сўғувчилар, ай-ниқса, юқори натижаларга эришмоқдалар. Уларнинг шо-ғирлари ҳам устозларидан қо-лишмаслиққа ҳаракат қилиб, соғин сигирлардан мўл-қўл сўт сўғиб олмақдалар.

Мол туқнинг қўнли туқ деб шунинг айтиладиган. Колхоз ва фермадаги молларнинг эҳти-ёжи етиб ортадаги микдорда тайёрланган озуқадан тежамли фойдаланилётганлиги учун ҳам кўрсаткичлар салмоқли ва зал-ворли бўлаётир.

ГФРда РЕВАНШИЗМ БАЗАСИ САҚЛАНИБ ҚОЛМОҚДА

<

БУГУН — РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИДА

ХИЗМАТНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ

ЯРАШГАНИНИ ТАНЛАНГ!

«БИЗ «ЎЗБЕКИСТОН» ателесининг кўргазма залида. Бу ерда республика Модалар уйининг ходимлари кузги-қишги либосларни намойиш қилишди. Тошкентлик ва бичиқчини ҳам учратиш мумкин.

— Бу ерда тез-тез келиб тураман, — дейди «Средне-электроник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Маърифат Нисозова, — намойиш қилинган либослар ичиде ўзимизга мосини, ярашганини танлаб оламиз. Шу ернинг ўзида буюртма бериб, кўйлак ёки пальтони тез фурсатда тиктириб олишимиз ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, яқин-яқингача ателеслар хизматидан норози буюртмачилар жуда кўп эди. Машиин хизматининг бу соҳасидаги камчиликлар ҳам аста-секин тугатилди.

— Турмуш маданиятимиз юксалиб, ҳаётимиз тўқин бўлгани сари кишиларимизнинг замонавий услубда тикланган кийимларга бўлган талаби ортиб бораётти. Бу талабни қондириш тикувчилардан катта маҳорат, масъулият талаб қилади, — дейди Ленин номи Тошкент шаҳар яхка буюртмалар тикшиш корхоналари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош ижрачиси Н. Суҳбатуллоев.

— Машиин хизматининг саҳна асосига кўчирилганлиги

биз учун катта имкониятлар яратди. Бирлашма ҳузурида сифат комиссияси ташкил қилинди.

Магазинларда доим ҳам фарзандингизга мос, турли мавсумга мўлжалланган кийимларни топавермайсиз. Бирлашма коллективи меҳнатқашларнинг бу талабни қондириш мақсадида Юнусов обод массивида «Алленуша» ателесини очди. Бу ерда кичикинтойларга мўлжалланган ранг-баранг матолардан бежирим кийим-кечаклар тикилмоқда. Шунингдек, бола-лар хори «Пахтабой», «Гунча» бадий ҳаваскорлик коллективлари учун тикилган либослар барчага манзур бўлди.

Яқинда бирлашмада хизматининг яна бир янги тури жорий қилинди. Агар аёллар кўйлак тикмоқчи бўлсалар буюртма асосида ателеслардан турли фасон учун ўз размерларидидаги андозаларни ҳам олишлари мумкин.

Пил бошидан бери ўй мобайнида бирлашма коллективи меҳнатқашларга 8 миллион сўмликдан ортиқ маиший хизмат кўрсатди. Бунда бирлашманинг малакали тикувчилари Юлдуз Мирзоинова, Назира Кенжаева, бичиқчилар Анатолий Дунаев, Ранса Телесниковларнинг катта ҳиссалари бор. Таклиф ва мулоҳазалар дафтариде ўз касбия меҳр кўйган тикувчиларга буюртмачиларнинг миннатдорчилиги сатрларини ўқиш мумкин.

А. НОСИРОВА.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

ПОПТАХТ шаҳар ўқувчилари Она-Ватанга планда белгиланганидан бир неча юз тонна кўп металл ва макулатура топиришди. Айниқса, Октябрь райони мактаб ўқувчилари гайрат-шижоат кўрсатиб ишладилар. Улар 320 тонна металл, 100 тоннадан зиёд қоғоз парчаларини топириб, пешқадамлар сафиде боришмоқда. Бунга райондаги 57-, 41-, 102-мактабларнинг ўқувчилари салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Куйбишев райони ўқувчилари эса бундан ҳам юқори натижаларга эришдилар. Район мактаблариде 400 тоннадан зиёд металл ва 115 тоннага яқин қоғоз йиғиб олиниб, давлатга топирилди. Ундан тушган маблағ эса тинчлик фондига ўтказилди.

С. СУЛТОНОВ.

ЯНГИ ПУНКТ ИШ БОШЛАДИ

Оржоникидзе райониде медицина, айниқса, стоматология хизмати яхши йўлга қўйилган. Бугунки кунда аҳолига 19 та тибб дивизиониде, 2 та тибб қўйидаги кабинетлар намунали хизмат кўрсатмоқда. Яқинда уларнинг сони яна биттага ортиди. Салар посёлок Совети территориясиде янги стоматологик пункт иш бошлади. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу пунктда врач Абдуҳафиз Турсунов беморларга сидқидилдан хизмат қилишди.

Ш. ТАЛАЕВ.

ГЛОБУС УЧУН АЛОҲИДА АУДИТОРИЯ

БУ икки олий билим юрти ўртасиде яқин илмий алоқа боғланган. Тошкент Давлат университети билан Перм Давлат университети олимларининг бундай ҳамкорлиги яхши самаралар бермоқда.

Пермлик олимлар ТошДУ география факультетига аjoyиб совға ҳозирладилар. Тошкентликларга атайган бу у-

кан глобусда ер шарининг рельефи ўз аксини топти. Оғирлиги ярим тонна, диаметри икки метр келадиган маъмур кўргазмалар ўқув курули Перм университети-нинг «Глобус» лабораториясиде тайёрланди.

Дўстлар арумонга этган бу улкан глобус учун факультетдан алоҳида аудитория ажратилди.

С. ОДИЛОВА.

КЎРМАСЛИККА ОЛИШЯПТИ...

ХАЛҚА йўл ёқасидеги 3-автомобил йўлида жойлашган мактабимизнинг шундоққина ёнидаги катта ахлатхонанинг қачон пайдо бўлганини ҳеч ким эслолмайдди. Чунки, бу ноқуш манзара кўлдан бери аҳолининг диққати хира қилиб ётипти. Аммо шунинг қизиқки, бу ердан ҳар кун ўтиб турадиган автокорхона бош-лиқлари ҳам, район ташиқлотларининг раҳбар ходимлари ҳам уни кўрмайдилар. Ҳаммадан ҳам маҳалла комитети аъзоларининг бепарволиги кишини ажаблантиради.

Қумариқ кўчасидеги аҳволни айтишга йимандан киши. Мева-сабзавот базаси олдидаги чинқидихона эса кун сайин кўнра буй чўзаяпти. Бахт ва Фурқат кўчаларида яшовчи аҳоли ўзи икки ой давомиде бир марта ахлат ташувчи машинанинг қорасини кўрмайди. Оқибатда ноқулоқликдан турли хил чинқидиларни кўчанинги тўғри келган ерига ташлашга мажбур бўлмоқ-

далар. Бу ҳақда 3-автомобил йўли раҳбарларига бир неча марта ёзма ва оғзаки равишда муурожаат қилинди. Улар эса бу ҳақда, ҳатто, эшитиш ҳам ҳоҳламадилар.

Асқиде бу тўғрида ким қайғуришни билмайди ҳайронимиз.

Калинин районидеги В.И. Ленин номи 28-мактаб-нинг 9-синф ўқувчилари.

ОРАСТАХОН. Калинин район ободонлаштириш бошқармаси ходимлари 3-автомобил йўли раҳбарлари сизларнинг ҳолис тақидий мулоҳазаларингиздан тегишли хулоса чиқариб олишару, аммо маҳалла комитети аъзоларининг шундоққина кўз олдидаги ахлатхона бефарқ қараб, бу ҳақда қайғуришни мактаб ўқувчиларига ташлаб қўйганликлари кишини ранжитида.

Маҳалланинги ободончилиги билан шуғулланиш биринчи галдаги вазифалар эканлигини биз уларга эслатиб қўрайлик-чи, нима дейишаркин.

«ПАХТАКОР» ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ, ЛЕКИН...

Муҳлис ўлар «Пахтакор»-дан ўтган йўлда яқин Бокунинг «Нефтич» командаси билан учрашувда ғалабани кутган эдилар. Бироқ, футболчиларимиз ўз майдонларида очқони бой бериб, ахволларини мушкуллаштириб қўйдилар. Кейинги ўйин бу-ни исбот этди.

Пахтакорчилар мавсумининг сўнги ўйинида Тбилисининг «Динамо» командасини қабул қилиб, яхши ўйин кўрсатишди. Биринчи тайида рақиблар дарвозасига учта жавобсиз тўп киритилди ва бу натижа матчи охиригача ўзгармай қолди. Гарчанд «Пахтакор» ғалаба қозонган бўлсада, лекин 17-ўйиндан кўтарила олмади. Чунки охириги тургача 16-ўйинда бораётган Бокунинг «Нефтич» командаси Москвада пойтахт динамочиларни устидан ғалаба қозонишди. Ўйин 3:2 ҳисобида бокунинг футболчилар фойдасига ҳал бўлди.

Шундай қилиб мамлакатнинг 47-чемпионати совриндорлари маълум бўлди. Чемпионлик тарихда биринчи марта Ленинграднинг «Зенит» командасига nasib этди. Москванинг «Спартак» коллективи кумуш, Днепронетворскнинг «Днепр» футболчилари эса бронза медал билан тақдирландилар.

Сўнги турда қўйидаги ватикалар қайд этилди. «Динамо» (Мн) — «Днепр» — 0:1, «Зенит» — «Метал-

лист» — 4:1, «Арабат» — «Спартак» — 1:2, «Черноморец» — «Кайрат» — 2:1, «Динамо» (М) — «Нефтич» — 2:3, СКА — «Торпедо» — 2:4, «Динамо» (К) — ЦСКА — 2:1.

Олий лигада фақатгина «Спартак» ҳанда СКА коллективлари сўнги учрашувини ўтказганлари йўқ. Шунинг хисобга олган ҳолда командалар турини жадалда қўйидаги ўринларини эгаллашди.

Командалар	Ў	Т	О
«Зенит»	34	60	— 32 47
«Спартак»	33	51	— 28 43
«Днепр»	34	54	— 40 42
«Черноморец»	34	49	— 38 41
«Динамо» (Мн)	34	43	— 28 40
«Торпедо»	34	43	— 36 40
«Динамо» (Тб)	34	38	— 41 36
«Кайрат»	34	44	— 42 34
«Жальгирис»	34	30	— 38 34
«Динамо» (К)	34	46	— 30 34
«Арабат»	34	46	— 50 31
«Металлист»	34	42	— 53 29
«Шахтёр»	34	47	— 46 29
СКА	33	47	— 56 27
«Нефтич»	34	30	— 50 26
«Динамо» (М)	34	35	— 43 26
«Пахтакор»	34	37	— 58 25
ЦСКА	34	24	— 55 19

Редактор Н. НАСИМОВ.

Н. И. ВАВИЛОВ НОМИДАГИ БУТУНИТИФОҚ УСИМЛИКУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

маккажўхори ва ёрмаликилар лабораториясининг икки илмий ходими (маккажўхори экинни бўйиче)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АНИҚ ЮРАДИ, ҚУЛАЙ, БАШАНГ БЕЗАТИЛГАН

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИДА

27—29 ноябрда ўтказиладиган савдо-кўргазмасида намойиш этиладиган

Минскдаги «Электроника» заводининг хотин-қизлар ва эркеклар қўл соатлари фазилати аниқ юриш, қудайлик, башангликдан иборат. Тайёрловчи заводнинг вакиллари бу соатларни ишлатиш бўйича малакали консултация берадилар.



29 ноябрь соат 17.00 да магазинда харидорлар конференцияси ўтказилди. Кўргазма иш чоғида сотиб олинган соатларнинг қанолат муддати яна 18 ойгача узайтириб берилди.

Адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй, (3, 13, 4, 25, 27, 28-трамвайларнинг «Куйбишев райисполкоми» бекати).

«Электроника» Марказий савдо-реклама ташкилоти (телефон 33-68-60).


«Союзторгреблама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ЯНГИ ТОВАРЛАР!

«Каскад» — ўзининг телерадио аппаратуралари «саломатлиги» тўғрисида гап-гўш қиладиганлар учун атайган апаратыр.

Хатто эллик тармоғида кучлиниш 150 дан 250 вольтгача тебрасса «Каскад» унинг бир маромида ишлашини таъминлайди!

«Каскад»нинг яна биртадай фазилатлари бор.



Рустам Зуфаров ва Ҳабибулла Раҳматуллоев асарлари навбатдаги «Ешлар намойиш этиди» номли республика тасвирий санъат кўргазмасига қўйилди. Р. Зуфаровнинг «Алфон гул» номли эртақка, Ҳ. Раҳматуллоевнинг ўзбек халқ эртағи «Ур, тўқмоқ»қа ишлаган безаклари тасвирий санъат ихлосмандларининг муносиб баҳосини олди.


Уч рақсам муайян муваффақиятларга эришадиган бўлсада, ҳали улар амалга оширадиган ишлар ва муҳим ижодий режалар жуда кўп. Улар нарийшди ва китобат санъати билан боғлиқ масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этишга одағлашган. Шунинг учун биз улар безаётган ва бадий муҳаррирлик қилётган китоблар безанинги сифати тобора яхшиланиб боришига ишонамиз.

Б. ТОЖИЕВ.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини бадий графика бўлими ўқитувчиси.

«УРАЛЕЦ-5» ЯНГИ ПИЛЕСОСИ

Сизнинг ихчам квартирангиз учун мўлжалланган. Бу ихчам, енгил пилесос сизнинг квартирангизда одий катта пилесос каби орасталаш ишларини бажаради.



Бу ускуна жуда ҳам оз жойини эгаллайди, ҳатто уни бир бурчакка шинга ҳам осиб қўйиш мумкин.

Медиаторск шаҳридаги «Уралэлектромотор» заводи лиги маркали «Уралец-5» шлангли пилесосни ишлаб чиқармоқда.

Баҳоси — 52 сўм.

«ИЖ» МАРКАЛИ МОТОЦИКЛЛАРИНИНГ ЭЪЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ Тўғрилагичли БЛОК

Сизнинг мотоциклнингиздаги аккумуляторлар, ёритиш батареялари ва электр ускуналарининг хизмат муддатини узайтиради.

«БПВ 14-10» блокнида кучланишни сошлаш сифати таъминлаштирилган. Электрон регулятор туфайли ускуна барча талабга жавоб беради.

Асбобнинг оғирлиги ва ҳажми ихчамлаштирилган. Тайёрловчи — Молодеченск заводи.

Баҳоси — 25 сўм.

«ИНФОРМЭЛЕКТРО».

«ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

26 ДЕКАБРЬ — 13 ЯНВАР КУНЛАРИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

«ЦИРКА АРЧА»

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, ЯЛМОҒИЗ КАМПИР, БАРМАЛЕЙ ва бошқа эртақларнинг қахрамонлари иштирокда Янги йил эртақ томошалари кўрсатилади.

Шунингдек, турли хил ҳайвонлар иштирокда цирк номерлари намойиш қилинади.

ТОМОШАЛАР 26, 27, 28 декабрда соат 16 ва 19.30 да; 29, 30 декабрда соат 13, 16, 19.30 да; 31 декабрда соат 10, 13, 16.00 да; 1-10 январь кунлари соат 10, 13, 16, 19.30 да; 11, 12 январда соат 16, 19.30 да; 13 январда соат 13, 16, 19.30 да БОШЛАНАДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун залкалар қабул қилинмоқда.

Олдиндан билет сотиш кассаси 20 ноябрдан бошлаб ишлайди.

ваконт вазифаларга КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Ҳужжатлар қўйидаги адресга юборилсин: Тошкент об-ласт, Оржоникидзе райони, Ботаника алоқа бўлими.

Тошкент об-ласт партия комитети аппарати партия ва ҳасбаб союз ташкилотлари об-ласт партия комитетининг масъул ходими У. Р. Курбанова онаси Жўраҳон ҚУРБОНОВАнинг вафот этганини муносабат билан чуқур таъзия из-кор қиладилар.

ОРАСТАХОН ПОЧТАСИДАН

АРИҚЛАР АРЗИ

АРЗ-ДОД кимга ҳам ёқарди, дейсиз. Аммо, мажбур бўлсак, иложимиз қанча. Биз Янгийўл шаҳрининг Самарқанд, Низомий, Чехов ва Ленин кўчаларида қаровсиз қолган ариқларимиз. Қиш-ёзи бирор марта тозаланмай, чинқинди ва ахлатларга қўмилиб ётаман. Ўзимиз истаманган ҳолда турли микроб ва касаллик тарқатувчи манбага айланиб қолаётганимиз. Бу ерда яшовчиларнинг ва йўловчиларнинг асабларини, кайфиятларини бузган.

Шаҳарнинг кўзга кўринадиган жойларига осиб қўйилган «Янгийўл» намунали шаҳарга айлантирамиз!» шiori эса бизни ҳайрон қолдиради. Наҳотки, шу шiori-ларни ижод қилишда жонбозлик кўрсатган шаҳар я-

роия комитети ва шаҳар коммунал хўжалик идораларининг раҳбарлари бизнинг аҳолиимиздан беҳабар бўлишса? Қачонгача ташландиқ ахволда ётаман? Бизнинг ҳолимизга ким ачинади?

Ариқларнинг арзномасини оққа кўчирувчи

Х. ТЕМИРОВ.

ОРАСТАХОН: редакцияга йўллаган арзномангиз билан танишсак, ахволни дарҳол юқорида номлари келтирилган ташкилот раҳбарларига маълум қилимиз. Яқин кунларда арзномада баён этилган нуқсонларни тугатиш, Самарқанд, Низомий, Чехов ва Ленин кўчаларининг бошига ҳам «Янгийўл» намунали шаҳарга айлантирамиз!» шioriини осиб қўйишса, ажаб эмас.

лар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Закарпатье жиллолари. 17.00 — «Олимплар» Подмосковенинги агроноот комплексига». 17.30 — Рус тили. 18.00 — Биргаликда ахил оиламиз. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Кувноқ нота-чалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Ҳозирги дунё ва ишчилар ҳаракати. 20.05 — «Уйлик жонлар». Бадий фильм. 5-серия. 21.30 —

«Время». 22.05 — Концерт. 23.50 — Дунё воқеалари. МТ-П. 9.00 — Гимнастика. 9.15—9.35 — Телефильм. 15.10 — «Декабристлар ҳақида ҳикоялар». И. Пушчин. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Телевизион шарҳ. 19.30 — Сабаҳатчилар клуби. 20.30 — «Тунгизчи хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Музикли киоск. 21.15 — Телефильм. 21.30 — «Время». 22.05 —

«Инглизча қотиллик». Телевизион бадий фильм. 1—2 сериялар. 9.30 — «Ахборот». 10.20 — Телефильм. 10.30 — Концерт. 11.30 — Укув программаси. 12.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Инсон бола-лиқдан бошланади. 19.00 — Дунё воқеалари. 19.30 — «Ах-

борот». 19.45 — Зулфия ҳақида сўз. Адабий қўрсатув. 20.05 — Катталар учун мультфильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — КПСС Марказий Комитети октябр Пленуми ҳарорлари — ҳаётга! 22.35 — «Тутқи бермас қасоскорлар». Бадий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

Н. И. ВАВИЛОВ НОМИДАГИ БУТУНИТИФОҚ УСИМЛИКУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

маккажўхори ва ёрмаликилар лабораториясининг икки илмий ходими (маккажўхори экинни бўйиче)

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ОРАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЯ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885; 325747, 325748, 325749, 325750, 325751, 325752, 325753, 325754, 325755, 325756, 325757, 325758, 325759, 325760, 325761, 325762, 325763, 325764, 325765, 325766, 325767, 325768, 325769, 325770, 325771, 325772, 325773, 325774, 325775, 325776, 325777, 325778, 325779, 325780, 325781, 325782, 325783, 325784, 325785, 325786, 325787, 325788, 325789, 325790, 325791, 325792, 325793, 325794, 325795, 325796, 325797, 325798, 325799, 325800, 325801, 325802, 325803, 325804, 325805, 325806, 325807, 325808, 325809, 325810, 325811, 325812, 325813, 325814, 325815, 325816, 325817, 325818, 325819, 325820, 325821, 325822, 325823, 325824, 325825, 325826, 325827, 325828, 325829, 325830, 325831, 325832, 325833, 325834, 325835, 325836, 325837, 325838, 325839, 325840, 325841, 325842, 325843, 325844, 325845, 325846, 325847, 325848, 325849, 325850, 325851, 325852, 325853, 325854, 325855, 325856, 325857, 325858, 325859, 325860, 325861, 325862, 325863, 325864, 325865, 325866, 325867, 325868, 325869, 325870, 325871, 325872, 325873, 325874, 325875, 325876, 325877, 325878, 325879, 325880, 325881, 325882, 325883, 325884, 325885, 325886, 325887, 325888, 325889, 325890, 325891, 325892, 325893, 325894, 325895, 325896, 325897, 325898, 325899, 325900, 325901, 325902, 325903, 325904, 325905, 325906, 325907, 325908, 325909, 325910, 325911, 325912, 325913, 325914, 325915, 325916, 325917, 325918, 325919, 325920, 325921, 325922, 325923, 325924, 325925, 325926, 325927, 325928, 325929, 325930, 325931, 325932, 325933, 325934, 325935, 325936, 325937, 325938, 325939, 325940, 325941, 325942, 325943, 325944, 325945, 325946, 325947, 325948, 325949, 325950, 325951, 325952, 325953, 325954, 32